

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрвич**

*Фарғона политехника институти, таянч докторанти*

Жаҳоннинг глобал рақамли иқтисодиёти ва Ўзбекистон Республикасида энергия ресурслари тақчиллиги шароитида ресурсларни тежаш ёки қайта тикланувчи энергия манбаларини алмаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Замонавий ривожланган Европа давлатларида бу энергия ресурсларининг энергия балансидаги улуши 20 фоизга яқинни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич анча паст. Шунга кўра, мамлакатимизда электроэнергетикасини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари бўйича илмий изланишлар зарур.

Ўзбекистон Республикаси электроэнергетикасини ташкилий-иқтисодий барқарор ривожлантириш тенденциялари ва унинг фаолиятининг айрим жиҳатларини ўрганеди. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон электроэнергетикаси корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг самарали шакллари янада шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт шароитида энергетика тизимининг асосий устувор йўналишларидан бири тармоқнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат бўлиб, бу Ўзбекистонда, жумладан, электроэнергетика соҳасида юқори энергия хавфсизлигига эришиш имконини бера олади. Бу босқичда электроэнергетика соҳасида энергетика сиёсатини амалга оширишга хос бўлган махсус механизм ва воситаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Электроэнергетика саноатидаги стратегик йўналишларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш келгусида йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш учун асос бўлмоқда.

Умуман олганда, барқарор ривожланиш механизмларнинг ташкилий ва иқтисодий хусусиятларининг комбинацияси сифатида ифодаланиши мумкин.

Бражникова Л.Н. “Барқарор ривожланишнинг иқтисодий жиҳати иқтисодий нормалар, қонунлар, тамойиллар, усуллар ва иқтисодий фаолиятнинг вазифа, даромад, мулкӣ муносабатларни ривожлантириш ва бошқалар каби воситалар тизимига асосланади” деган ғояни беради. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий жиҳати иқтисодий фаолият жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий, технологик, ижтимоий-психологик вазифаларнинг ўзаро таъсири ва амалга оширилишининг аниқ муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Бу жиҳат обектив равишда корхонанинг иқтисодий фаолиятини рақамли иқтисодиётда амалга ошириш билан боғлиқ, бунда фаолият натижалари бозорда товар айирбошлаш жараёнида баҳоланади”.

Ихтисослашган адабиётларда иқтисодий жиҳат субъектлар фаолиятини ўз-ўзини тартибга солишни давлат органларининг тартибга солиш функциялари билан



бирлаштирган бозор жиҳати сифатида кўриб чиқилади. Иқтисодий механизмни иқтисодий дастак ва воситаларнинг оддий мажмуи сифатида эмас, балки уларнинг тизими сифатида белгилайдиган бошқа етакчи олимларнинг фикрини ҳам биламиз, яъни муайян иқтисодий регуляторларнинг ўзаро боғлиқ бирикмаси сифатида намоён бўлади.

Иқтисодий усуллар замонавий рақамли иқтисодиётда товар-пул муносабатларига асосланади. Астаханов В.И. Иқтисодий механизмни тавсифлаб, таъкидлайдики, “бозор иқтисодий тизими ва нархлар, фойда ва зарарлар, талаб ва таклиф тизимининг комплекс ўзаро таъсири шароитида иқтисодий бошқарув усулларининг роли ошиб боради, улар иқтисодий бошқарувнинг энг муҳим шарти корхона иқтисодиётини бошқаришнинг яхлит ва самарали тизимини яратишдан иборат”

Иқтисодий жараёнларнинг шаклланиши ва барқарор ривожланиши ҳар доим корхона ичидаги турли ташкилий тизимларнинг ишлаши билан боғлиқ.

Бурков В.Н., Кондратиев В.В. ташкилий ривожланишнинг асосий механизми ёки ҳақиқий ташкилий тизимларнинг фаолият кўрсатиш механизми остида улар шундай хулосага келишди: “Қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг барчаси корхона фаолияти босқичларида одамларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи жуда мураккаб жараёнлар, қоидалар, кўрсатмалар тўпламидир”. Барқарор ривожланишнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатлари уйғунлиги механизмнинг таркибий қисмларини ташкил этади, бу замонавий олимларнинг нашрларида кенг таҳлил қилиб чиқилган.

Ташкилий хусусиятларга қуйидагилар киради: барқарор ривожланиш тамойиллари; корхонанинг ташкилий тузилмаси; малакали ходимлар таркиби; муаммоларни ҳал қилиш техникаси ва технологияси; меҳнатни инновасион ташкил этиш; соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ва бошқалар. Барқарор ривожланишда ташкилий хусусиятларининг энг муҳим элементларига мақсадлар, усуллар, алгоритмлар, стратегиялар, тамойиллар, ахборот ва ташкилий тузилма киради. Агар бундай тизимда элементлардан камида биттаси самарасиз бўлиб чиқса, унда ушбу элемент номукамаллигининг таъсири корхонани ривожланишида бутун тизим таркибидаги камчиликлар кузатилади.

Барқарор ривожланишнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатлари уйғунлиги механизмнинг таркибий қисмларини ташкил этади, бу замонавий олимларнинг нашрларида кенг кўриб чиқилган.

Ломакина И.Л. нуқтаи назаридан “Бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқариш, инновасион, молиявий, ижтимоий ва бошқа фаолиятнинг маркази бўлиб хизмат қилади ва ишлаб чиқариш, илмий-техникавий тараққиёт томонидан барқарор ривожланиш тизимларини ҳаракатга келтириш ва барқарор ишлашини таъминлаш, моддий-техник таъминлаш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш воситаси сифатида қаралади”.

Федорович В.О. мулкий муносабатларнинг ташкилий-иқтисодий механизми моҳияти ва тузилишини ўрганиб, қуйидаги таърифни беради: “мулкни бошқаришнинг



ташкилий-иқтисодий механизми - бу ўзаро боғлиқ бўлган асосий элементлар ва уларнинг гуруҳларини кўп босқичли иерархик тизими бўлиб, шунингдек, уларнинг ўзаро таъсир қилиш усуллари, шу жумладан интеграсия ва парчаланиш, улар таъсири остида давлат, иштирокчилар ва акциядорлар, кредиторлар ва ходимларнинг, шу жумладан корпорасия ва жамиятнинг юқори бошқаруви вакилларининг иқтисодий муносабатлари (манфаатлари) уйғунлашган ҳолда юзага келади”.

Шилова Т.А.нинг ёндошувига кўра “Корхона рақобатбардошлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми деганда корхонанинг барқарор ишлаб чиқаришга эга бўлишини таъминлайдиган, бозордаги мавқега эга бўлиш, ўз фаолиятининг асосий мақсадини амалга оширишда истеъмолчиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш каби усуллар мажмуи тушунилиши керак”.

Новиков А.В. “Кичик корхона ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизми остида бу кичик корхона тегишли ишлаб чиқаришга эга бўлгандан кейин бошқарув механизмларига айланиши мумкин бўлган функционал бошқарув механизмлари тизими, элементлар мажмуи(воситалари, усуллари, қоидалари ва тартиблари)ни ва бошқа тузилмаларни англатади”.

Магамедова Д.М. ва Рамазанова А.Г. “Барқарор ривожланишнинг ташкилий-иқтисодий механизми етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва минтақавий ҳокимият органларининг ўзаро таъсири синергиясини амалга ошириш учун ўзаро боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий усуллар ва воситалар, иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида қаралади”.

Зотович Н.В. корхоналарни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришга бағишланган диссертасия ишида қуйидаги таърифни беради: “Корхонани ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу корхоналар, ташкилий тузилмалар, бошқарувнинг ўзига хос усулларининг ҳаракатлари йиғиндиси. Шунингдек, акциядорлар, инвесторларнинг корхона мақсадларига эришиш йўлидаги мавжуд институтсионал меъёрлар ва давлат томонидан тартибга солиш доирасидаги назорат ҳаракатлари киритилган”.

Гупанова Э.Й. ўз мазмунига кўра ривожланишнинг ташкилий-иқтисодий механизми сифат менежменти тизимининг ишончли ишлашини таъминлаш учун бошқарув обектига мақсадли таъсир кўрсатишнинг ўзаро боғлиқ бўлган ташкилий, иқтисодий, маъмурий, ҳуқуқий ва бошқа дастаклари ҳамда усуллари мажмуи эканлигини таъкидлайди. Ривожланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ташкилий тузилманинг элементлари ўртасидаги муносабатларни шакллантириш ва тартибга солишнинг барқарор усуллари, нормалари ва қоидалари асосида тизим фаолиятининг муайян муаммоларини ҳал қилишнинг мақсадли жараёни сифатида кўриш мумкин.

Демак, А.Кулман “Иқтисодий механизми ё бошланғич ҳодисанинг табиати билан, ёки бир қатор ҳодисаларнинг якуний натижаси билан белгиланади” деб таъкидлайди, “механизмнинг таркибий элементлари ҳаминша ҳам бошланғич ҳодиса бўлиб туришини



аниқлайди ва якуний ҳодисалар ҳамда улар орасидаги интервалда содир бўладиган бутун жараёнлигини асослаган”.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай барқарор ривожланиш механизм иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг маълум бир мажмуаси ёки кетма-кетлигидир. И.Т.Балабанов корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизми остида молиявий механизм – “молиявий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш, режалаштириш ва рағбатлантиришда ифодаланган молиявий левераж тизими”ни ёритиб берган.

Баканов Д.С., Махметова А.Е. Корхоналар ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмини ўзаро боғлиқ бўлган асосий элементларнинг кўп босқичли иерархик тизими ва уларнинг типик гуруҳлари (субектлар, объектлар, тамойиллар, усуллар, воситалар ва бошқалар), шунингдек давлатнинг иқтисодий муносабатлари уйғунлашган мулкдорлари, ходимлари, юқори бошқарув вакиллари ва уларнинг ўзаро таъсир қилиш усуллари тавсифлаган.

Ташкилий-иқтисодий механизмнинг бир неча элементлардан иборат эканлигини, Баканов Д.С., Махметова А.Е. ўз илмий нашрларида ўрганиб чиқишган ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмга қуйидагилар киритилган:

- рағбатлантириш тизимлари билан иқтисодий ривожланиш шакллари ва усуллари;
- тактик ва оператив бошқарув шакллари ва усуллари;
- ўз-ўзини ташкил этиш элементлари билан ривожланиш тизими ва параметрларини шакллантириш воситалари ҳамда усуллари;
- асосланган молиявий-иқтисодий чеклашлар тизими;
- бошқарув қарорлари учун қонунчилик базасини шакллантиришда ахборот тизимлари.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. Scientific progress, 2 (7), 586-592.

2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамракулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. Scientific progress, 3 (1), 328-334.

3. Хамракулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2 (Special Issue 2), 140-146.

4. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).



5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
8. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43-46.
9. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdukarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 40-42.
10. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 34-35).
11. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
12. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780-783.
13. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American journal of interdisciplinary innovations and research*, 3(01), 113-117.
14. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.
15. Xonkeldiyeva K., & Xo'Jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. *Экономика и социум*, (3 (70)), 145-147.
16. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. *Universum: химия и биология*, (5 (71)), 5-9.
17. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).



18. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

19. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

20. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).

21. Бахтиёрович, Х. Ж. (2022, August). ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. In *E Conference Zone* (pp. 71-73).

22. Хонкелдиева, К., & Фарохиждинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя*.

23. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).

24. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

25. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).

26. Хонкелдиева, К., & Фарохиждинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 61-62).

27. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 36-37).

